

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚҮМИТАСИ**

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2019 ЙИЛ  
ЯНВАРЬ – МАРТ**

**Урганч – 2019**



## СЎЗ БОШИ

Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси Хоразм вилоятининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, иктисодиёт тармоқлари ва худудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Хоразм вилояти статистика бошқармасининг йиллик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2019 йил январь-март ойлари якунлари бўйича Хоразм вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иктисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иктисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иктисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иктисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгилangan таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иктисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иктисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиктисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иктисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Дастлабки ҳисобларга асосан келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

**Тахризчилар:** А.Р.Ўтамуратов— Бошқарма бошлигининг биринчи ўринbosари

**А.И.Рахимов**—Бошқарма бошлигининг ўринbosари

## МУНДАРИЖА

Номи	бет.
<b>Асосий иқтисодий кўрсаткичлар</b>	<b>7</b>
<b>I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ</b>	<b>8-11</b>
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	8-11
<b>II. САНОАТ</b>	<b>12-23</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	12-19
Ҳудудлар кесимида саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми	20-23
<b>III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	<b>24-36</b>
2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари ва ҳудудлар бўйича тақсимланиши	24-26
Вилоят туманларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хўжаликлари тоифалари ва ҳудудлар бўйича тақсимланиши	27-33
Ҳудудлар кесимида асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	34-36
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ</b>	<b>37-52</b>
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари	37-40
Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар	41-42
Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2019 январь – март ойларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми	43-44
Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	44-46
Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига тураг жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш	47
Қурилиш ишлари	48-50
<b>V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	<b>51-55</b>
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	51-55
<b>VI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ</b>	<b>56-60</b>
2019 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари)	56
2019 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари	57-60

Номи	бет.
<b>VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ</b>	<b>61-77</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони	61
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иктиносий фаолият турлари ва ҳудудлар бўйича тақсимланиши	62-77
<b>VIII. ХИЗМАТЛАР</b>	<b>78-87</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	78-87
<b>IX. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА</b>	<b>88-90</b>
Юк ташиш	88
Йўловчи ташиш	89-90
<b>X. ИСТЕЙМОЛ БОЗОРИ</b>	<b>91-95</b>
Чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичлари	91
Шаҳар ва туманлар кесимида чакана товар айланмаси ҳажми умумий овқатланишни кўшган ҳолда	92-95
<b>XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ</b>	<b>96-111</b>
Вилоятнинг ташки савдо айланмаси	96-99
Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда	100-102
Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фоизда	103-105
Хоразм вилоятида ҳудудлар кесимида 2019 йил январь-март ойларида Ташки савдо айланмаси ҳажми (минг АҚШ долл.)	106-107
<b>XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ</b>	<b>108-117</b>
Доимий аҳоли сони	108-111
Аҳолининг табиий ҳаракати	112-113
Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажralишлар сони	114-116
2019 йил январь-март ҳолатига аҳоли зичлиги	117
<b>XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ</b>	<b>118-126</b>
Иш ҳақи	118-122
Шаҳар ва туманлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	123-126

## Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи худудий маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м	—	марта
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	<sup>1)</sup> , <sup>2)</sup> , <sup>3)</sup> .....	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			

**Асосий иқтисодий күрсаткичлар  
2019 йил январь–март**

	млрд. сўм	<i>2018 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	3140,3	105,5
Саноат маҳсулоти	1824,4	108,8
Истеъмол товарлари	1037,8	118,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1568,6	104,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	495,7	90,7
Қурилиш ишлари	394,9	105,7
Юқ айланмаси (млн. тн-км)	120,1	103,2
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	1680,7	102,4
Чакана товар айланмаси	1434,6	111,1
Хизматлар, жами	1197,5	112,4
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	112,0	174,4
Экспорт (млн. АҚШ долл)	35,4	140,0
Импорт (млн. АҚШ долл)	66,1	2,0 м
Сальдо (+;-) (млн. АҚШ долл)	-30,7	x

## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 3140,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 105,5 фоизга бўлди.

2019 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 125,7 фоизни ташкил қилди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар асосий қўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқарии фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқарии усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соғ солиқлар йигиндиси орқали ҳисобланади.

### 2019 йил январь-март ойлари учун ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари

(фоиз ҳисобида)



Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат – 108,8 фоиз (20,2 фоиз), курилиш – 105,7 фоиз (6,1 фоиз), хизмат қўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,0 фоиз (26,5 фоиз) ва савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 109,3 фоиз (7,3 фоиз)ни ташкил қилди.

**2019 йил январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий  
маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**


	млрд.сўм		2018 йил январь- мартига нисбатан фоиз ҳисобида
	2018 йил январь- март	2019 йил январь- март	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>2367,0</b>	<b>3140,3</b>	<b>105,5</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2270,1	2955,7	105,5
Маҳсулотларга соғ соликлар	96,9	184,6	106,9
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>2270,1</b>	<b>2955,7</b>	<b>105,5</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	757,1	944,0	104,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	557,4	777,7	111,5
саноат	408,7	597,9	108,8
курилиш	148,7	179,8	105,7
Хизматлар	954,9	1234,0	105,2
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	174,4	216,0	109,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	220,8	237,2	100,0
бошқа хизматлар	559,7	780,8	106,0

2019 йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири 108,8 фоиз – саноат, 105,7 фоиз - қурилиш тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда.


ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 64,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2018 йил январь-март ойларида 67,0 фоизни ташкил қилган.

**Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
январь-март ҳолатига(жамига нисбатан фоизда)**

**2018 йил январь-март**



**2019 йил январь-март**



2019 йилнинг январь-март ойларида ЯҲМ таркибида Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасининг улуши 31,9 фоизни ташкил қилди, бу эса 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан -1,5 пунктга камдир (33,4 фоиз), хизматлар соҳаси 41,8 фоизни ташкил қилди ва -0,2 пунктга камайди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)ни улуши 26,3 фоизни ташкил қилиб, 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 1,7 пунктга ошиди.

**Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилояти билан солиширма  
макроиктисодий қўрсаткичлари  
(2019 йил январь-март)**

	<b>Ўзбекистон Республикаси</b>		<b>Хоразм вилояти</b>		<b>Республикадаги улуши % да</b>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>Ўсии суръати, % да</i>	<i>млрд. сўм</i>	<i>Ўсии суръати, % да</i>	<i>январь- март 2018 й.</i>	<i>январь- март 2019 й.</i>
Ялпи ички маҳсулот (худудий) маҳсулот	91 097,7	105,3	3 140,3	105,5	3,3	3,4
Саноат	67421,9	106,8	1824,4	108,8	2,7	2,7
Истеммол товарлари	19214,6	118,3	1037,8	118,9	5,4	5,4
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	20309,1	102,5	1568,6	104,0	7,3	7,7
Инвестициялар	29885,1	129,9	495,7	90,7	2,4	1,7
Қурилиш ишлари	11179,7	105,9	394,9	105,7	3,5	3,5
Чакана товар айланиши	32839,4	105,9	1434,6	111,1	4,0	4,4
Хизматлар, жами	40168,7	111,1	1197,5	112,4	3,0	3,0
Экспорт (млн. АҚШ. долл)	4 132,7	120,6	35,4	140,0	0,7	0,9
Импорт	5 273,5	132,9	66,1	2,0 м	0,8	1,3

## II. САНОАТ

2019 йил январь-март ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1824,4 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш индекси 108,8 фоизни ташкил этди.


Ҳисобот даврида 1037,8 млрд. сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 118,9 фоизни ташкил этди.

Жумладан, 209,0 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 822,1 млрд. сўмлик ноозик-овқат моллари (2018 йил январь-март ойларига нисбатан мос равишда 102,1 фоиз ва 124,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.


Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи кисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2019 йилнинг январь-март ойларида 5,56 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби январь- март холатига (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарии хажмига нисбатан фоизда)**

**2018 йил январь-март**




**2019 йил январь-март**



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш


Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби кўпроқ қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, унинг улуши 95,989 фоизни ташкил қилди. (2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ишлаб чиқариш индекси 109,9 фоиз). Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш улуши 0,0004 фоизни (ишлаб чиқариш индекси 104,0 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш улуши 3,4403 фоизни (ишлаб чиқариш индекси 94,4 фоиз), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш улуши 0,5703 фоизни (ишлаб чиқариш индекси 122,7 фоиз) ташкил қилади.

### **2019 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари (фоизда)**



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ўсиш даражаси юқори бўлган Шовот тумани (2018 йил январь-март ойларига нисбатан 155,2 фоиз), Хазорасп тумани (2018 йил январь-март ойларига нисбатан 124,9 фоиз), Хонқа тумани (119,2 фоиз), Урганч тумани (118,3 фоиз), Хива тумани (116,4 фоиз), ва Янгибозор тумани (111,9 фоиз)га ўсганини ва Урганч шаҳри (99,3 фоиз), Богот тумани (98,6 фоиз), Кўшкўпир тумани (97,2 фоиз)га паст ўсишга эга бўлганини кўриш мумкин.

**2019 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисида (млрд.сўмда)**



Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича юқори бўлган Хазорасп тумани, Урганч шаҳри, Хонқа, Богот ва Шовот туманларига тўғри келади.


**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(2019 йил январь-март ойлари учун)**

Maxsulot turlari	2019 йил январь-март	2018 йил январь-март	Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Гидроэлектростанциялари ишлаб чиқарган электр энергияси – млнкВтс	34,8	68,9	50,5
Иссиклик энергияси – мингГкал.	71,1	47,8	149,0

<i>Махсулот турлари</i>	<i>2019 йил январь-март</i>	<i>2018 йил январь-март</i>	<i>Ўсиши суръати, фоиз ҳисобида</i>
Енгил автомобиллари - дона	10388	7311	142,1
Юк автомобиллари – дона	1950	1284	151,9
Арок – минг литр	208	400	52,0
Узум виноси ёки узум турупини дистерлаш натижасида олинган спирт настойкалари конъяк спиртидан ташкари – минг литр	5,9	6,0	98,3
Табий ок ва кизил десерт узум винолари – минг литр	300	330	90,9
Юмшок буғдой ва спельта уни – тонна	19677,9	18323,1	107,4
Макарон махсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган махсулотлар – тонна.	0,0	119,3	0,0
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 гр. (буханка) – тонна	469,2	390,3	120,2
Миллий нон (ёпган нон) – тонна	138,1	59,8	2,3 м
Тозаланган ўсимлик ёғи – тонна	5810,0	7076,0	82,1
Хўжалик совуни – тонна	2717	3103	87,6
Пахта толаси – тонна	26751	33710	79,4
Пахта чигити- тонна	42468	52465	80,9
Пахта чигити (линт) - тонна	2149	2749	78,2

Вилоятда йирик корхоналар томонидан фаолият турлари бўйича асосий турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан Гидро электр станциялари ишлаб чиқарган электр энергияси 50,5 фоиз, ароқ 52,0 фоиз, пахта толаси 79,4 фоиз, пахта чигити 80,9 фоиз, пахта тивити (линт) 78,2 фоизга камайганлигини кузатилди.

### **Шаҳар ва туманларнинг вилоят жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши (2019 йил январь-март ойлари учун)**



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида улуши юқори бўлган Хазорасп тумани 45,9 фоиз Урганч шаҳри 19,2 фоиз, Хонқа тумани 8,0 фоиз, Богот тумани 5,6 фоиз ва Шовот тумани 4,7 фоизни ва энг паст бўлган Янгибозор тумани 2,7 фоиз, Урганч тумани 1,9 фоиз, Хива тумани 1,0 фоиз ҳамда 0,7 фоиз Хива шаҳрига тўғри келади.

**2019 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини  
ишлаб чиқариш**


	млрд. сўм	<i>Ишлаб чиқарши индекси, фоиз ҳисобида</i>
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш</b>	<b>1824,4</b>	<b>108,8</b>
<b>Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>0,01</b>	<b>104,0</b>
<b>улардан:</b>		
Тоғ- кон саноатига боғлиқ бошқа фаолият	0,01	104,0
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>1751,2</b>	<b>109,9</b>
<b>ундан:</b>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	273,9	99,3
Ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	37,9	90,4
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	518,1	103,1
Кийим ишлаб чиқариш	6,4	101,2
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	2,0	103,4
Ёғоч ва пўйак буюмлар, поҳол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	0,9	96,4
Қофоз ва қофоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш	3,1	99,7
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,1	105,2
Нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,01	103,9
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	3,6	105,1
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	2,0	103,7
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	5,4	98,7

	<i>млрд. сүм</i>	<i>Ишлаб чиқарши индекси, фоиз ҳисобида</i>
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	38,0	104,3
Металлургия саноати	4,7	104,5
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	24,5	99,0
Компьютер ва электрон оптикали маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,002	105,9
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	4,4	104,8
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	36,4	126,3
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	758,7	134,3
Мебель ишлаб чиқариш	4,2	104,3
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	22,9	100,9
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш ҳамда тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	4,1	101,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	62,8	94,4
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш	10,4	122,7
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>1037,8</b>	<b>118,9</b>
<i>ишу жумладан:</i>		
озиқ-овқат товарлари	215,7	101,1
ноозиқ-овқат товарлари	822,1	124,7


Фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш 2019 йил январь-март ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 99,3 фоиз, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 90,4 фоиз, ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлари, ишлаб чиқариш 96,4 фоиз, Қозоғ ва қофоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш 99,7 фоиз, Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш 98,7 фоиз, машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш ҳамда тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш 99,0 фоиз, Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 94,4 фоизга камайган.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**  
*(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариши хажмига нисбатан фоизда)*

**2018 йил январь-март**




**2019 йил январь-март**



- Ноозик-овқат
- Озиқ-овқат

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркибида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улуши 2019 йил январь-март ойларида 24,5 фоиздан 20,8 фоизга камайганлиги, ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш эса 75,5 фоиздан 79,2 фоизга кўпайганлиги кузатилди.


**2019 йил январь-март ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш**  
(млрд. сўм)



Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришини қўллаб-куватлаш, кичик бизнес субъектлари томонидан замонавий технологиялар олиб келиниши натижасида вилоятда 1037,8 млрд.сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 118,9 фоизни ташкил этди.

Жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 56,9 фоизни ташкил қилди.

**2019 йил январь-март ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўсиш суръати (фоизда)**



Шахар ва туманлар кесимида ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатини кўрадиган бўлсақ, энг юқори бўлган Хазорасп тумани 128,2 фоиз, Урганч тумани 115,0 фоиз, Кўшкўпир тумани 114,6 фоиз, Боғот тумани 113,3 фоиз ва Гурлан тумани 112,6 фоизга ўсган.

Шунингдек, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш улушида 2018 йил январь-март ойларида Хазорасп тумани 56,2 фоиздан 2019 йилда 64,5 фоизга ошган бўлса, Урганч шаҳри 19,4 фоиздан 15,4 фоизга, Хонқа тумани 4,8 фоиздан 4,2 фоизга ва Гурлан тумани 2,3 фоиздан 1,8 фоизга камайган.

**Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми  
(2019 йил январь-март ойлари учун)**

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд.сўмда<sup>1)</sup></i>	<i>Ишлаб чиқариши индекси, % да</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд.сумда<sup>1)</sup></i>	<i>2018 йил январь-март ойига нисбатан, % да</i>
<b>Вилоят бўйича жами</b>	<b>1824,4</b>	<b>108,8</b>	<b>1037,8</b>	<b>118,9</b>

*шаҳарлар:*


Урганч ш.	350,2	99,3	160,3	98,5
Хива ш.	11,9	107,1	10,7	112,2

*туманлар:*

Богот	102,5	98,6	25,9	113,3
Гурлан	70,6	108,8	18,8	112,6
Қўшкўпир	55,9	97,2	15,0	114,6
Урганч	34,9	118,3	31,1	115,0
Хазорасп	837,3	124,9	669,5	128,2
Хонқа	145,1	119,2	43,1	105,7
Хива	17,9	116,4	16,0	112,2
Шовот	85,9	155,2	25,6	108,2
Янгиарик	62,9	100,9	12,2	110,4
Янгибозор	49,3	111,9	9,6	111,5


<sup>1)</sup>Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда

**Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб  
чиқариш ҳажми, минг сўмда**  
*(2019 йил январь-март ойлари учун)*



2019 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш вилоят бўйича 992,4 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 107,0 фоизни ташкил қилди. Шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йил январь-март ойларида Хазорасп тумани 2124,4 минг сўмдан 2019 йил январь-мартида 3432,9 минг сўмга, Урганч шаҳри 2111,5 минг сўмдан 2467,8 минг сўмга,. Боғот тумани 480,2 минг сўмдан 636,0 минг сўмга ошган бўлса, Шовот тумани 355,2 минг сўмдан 515,0 минг сўмга ва Хива шаҳри 126,4 минг сўмдан 131,5 минг сўмга ошгани кузатилди.


**Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб  
чиқариш ҳажми, минг сўмда**  
*(2019 йил январь-март ойлари учун)*



Аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш вилоят бўйича 564,6 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 116,9 фоизни ташкил қилди. 2018 йил январь-март ойларида Хазорасп тумани 1742,2 минг сўмдан 2019 йилда 2744,8 минг сўмга, Урганч шаҳри 1029,6 минг сўмдан 1129,7 минг сўмга, Шовот тумани 138,5 минг сўмдан 153,6 минг сўмга, Янгиарик тумани 97,5 минг сўмдан 106,8 минг сўмга ошган бўлса, Урганч тумани 135,9 минг сўмдан 160,0 минг сўмга камайгани кузатилди.

### **Шахар ва туманлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да**

*(2019 йил январь-март ва 2018 йил январь-март ойлари учун)*




Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 2019 йил январь-март ойларида 26,4 фоизни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич бўйича энг юқори бўлган Хива тумани 100,0 фоиз, Хива шаҳри 98,4 фоиз бўлиб, энг кам Хонқа тумани 20,5 фоиз, Янгиарик 28,0 фоиз, Янгибозор тумани 19,7 фоиз ва 4,2 фоиз Хазорасп туманларига тўғри келади.

### III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


2019 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 1568,6 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 104,0 фоизни, шу жумладан, дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 1517,2 млрд. сўмни (103,8 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 29,6 млрд. сўмни (101,8 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 21,8 млрд. сўмни (125,7 фоиз) ташкил қилди.

#### 2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши (умумий ҳажсмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида энг катта улушни дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари хўжаликлари эгаллаган бўлиб, 2019 йил январь-мартида жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 94,8 фоизини ташкил қилди (2018 йил январь-мартида – 93,6 фоиз), фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 3,8 фоизи ишлаб чиқарилган (2018 йилда 4,4 фоиз), шунингдек қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 1,4 фоизи ишлаб чиқилган.

## Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари(хизматлар)нинг ҳажми



## Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулот (хизмат) ларини худудлар кесимида тақсимланиши.

(фоиз ҳисобида)




## Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг худудлар кесимида хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши



**Деҳқончилик.** 2019 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотлари умумий ҳажми 28,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 100,4 фоизни, жумладан, фермер хўжаликлирида 11,8 млрд.сўмни (98,8 фоиз), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлирида 15,4 млрд. сўмни (101,5 фоиз), қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 1,1 млрд. сўмни (106,7 фоиз) ташкил қилди.

## Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни туманлар кесимида хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

**Ҳосил йиғими.** 2019 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 938 тонна сабзавот (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 101,8 фоиз) йигиб олинди.

**Чорвачилик.** 2019 йил январь-март ойларида чорвачиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий ҳажми 1481,0 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 104,2 фоизни, жумладан, фермер хўжаликлирида 45,8 млрд. сўмни (92,6 фоиз), дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлирида 1415,3 млрд. сўмни (104,9 фоиз), қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 19,9 млрд. сўмни (91,3 фоиз) ташкил қилди.

## Вилоят туманларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хўжаликлари тоифалари бўйича тақсимланиши

(фоиз хисобида)




2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 105,4 фоизни (жами 902,9 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 104,1 фоизни (343,8 минг бош), қўй ва эчкилар 103,6 фоизни (416,3 минг бош), отлар 102,7 фоизни (5,6 минг бош), паррандалар 105,2 фоизни (5380,6 минг бош) ташкил қилди.

## 2019 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари бош сонларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши



Барча худудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,6 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,8 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 67,6 фоизни ташкил этди.

## Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



**2019 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	минг бояш	ўсии суръати, %
<b>Йирик шохли корамол</b>	<b>902,9</b>	<b>105,4</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	59,0	99,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	838,4	106,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	5,5	82,1
<b>улардан: сигирлар</b>	<b>343,8</b>	<b>104,1</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	21,8	101,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	320,5	104,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1,5	75,0
<b>Қўй ва эчкилар</b>	<b>416,3</b>	<b>103,6</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	35,8	115,5
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	379,1	102,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1,4	82,4
<b>Отлар</b>	<b>5,6</b>	<b>102,7</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлири	0,6	103,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	4,9	102,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,1	82,1
<b>Паррандалар</b>	<b>5380,6</b>	<b>105,2</b>

	минг бош	ўсии суръати, %
--	----------	--------------------

шу жумладан:

Фермер хўжаликларида	710,7	97,2
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	3577,8	101,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1092,1	125,4

### 2019 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	миқдори	ўсии суръати, %
--	---------	--------------------

**Гўшт (тирик вазнда), минг тн.** **34,4** **105,3**

шу жумладан:

Фермер хўжаликларида	0,8	83,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	33,5	106,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	0,1	82,1
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>196,6</b>	<b>102,9</b>

шу жумладан:


Фермер хўжаликларида	7,2	105,1
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	188,9	102,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	0,4	76,9
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>101,9</b>	<b>103,2</b>

шу жумладан:

Фермер хўжаликларида	8,5	106,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	60,4	107,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	33,0	95,0

**Фермер хўжаликлари.** 2019 йилнинг январь-мартида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 57,6 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан 94,0 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 3,8 фоизни ташкил этди.

### **Фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг йўналишлар бўйича тақсимланиши**



2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 59,0 минг бош йирик шохли корамол, шу жумладан 21,8 минг бош сигир, 35,8 минг бош қўй ва эчкилар, 710,7 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 99,3 фоизни, шу жумладан сигирлар 101,9 фоизни, қўй ва эчкилар 115,5 фоизни, паррандалар 97,2 фоизни ташкил қилди.

**2019 йил январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	январь-март				<i>2018 январь- маргтга нисбатан фоиз хисобида</i>	
	2018 йил		2019 йил			
	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариши умумий ҳажсимидағи улуси, фоиз</i>	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариши умумий ҳажсимидағи улуси, фоиз</i>		
Сабзавот	116	16,2	93	9,9	80,2	
Гўшт, <i>тирик вазнда</i>	925	2,8	775	2,3	83,8	
Сут	6895	3,6	7248	3,7	105,1	
Тухум, <i>млн. дона</i>	7,9	8,0	8,5	8,3	106,6	
Жун, <i>тонна</i>	4	7,3	5	8,2	125,5	
Қоракўл, <i>дона</i>	87	6,6	70	4,6	80,5	

**2019 йилнинг январь-март ойларида худудлар кесимида асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**


**Сабзавотлар (тонна)**  
**Жами вилоят бўйича**  
**938**



**2019 йил 1 апрель ҳолатига худудлар кесимида  
чорва моллари ва паррандалар бош сони**




**Йирик шохли қорамоллар(боши)**  
**Жами вилоят бўйича 909636**



**шу жумладан сигирлар(боши)**  
**Жами вилоят бўйича 343930**





Қўшкўпир	79551
Хазорасп	72186
Боғот	56728
Урганч	50617
Янгиариқ	38259
Шовот	31083
Хонқа	25959
Хива	20001
Гурлан	15132
Янгибозор	12781
Хива ш.	11800
Урганч ш.	2221



Хонқа	894,4
Урганч	869,7
Боғот	628,8
Қўшкўпир	542,8
Гурлан	496,1
Шовот	472,0
Хазорасп	388,2
Янгибозор	367,9
Янгиариқ	361,2
Хива	298,0
Хива ш.	30,1
Урганч ш.	25,2

### 2019 йилнинг январь-мартида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш






**Тухум (млн. дона)**  
**Жами вилоят бўйича 101,7**




**Жун (тонна) Жами  
вилоят бўйича 61**



## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2019 йил январь-март ойларида вилоятнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбаалари хисобидан 495,7 млрд. сўм (доллар эквивалентида 6,4 млн АҚШ долл) миқдорида асосий капиталга инвестициялар киритилиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 90,7 фоизни, шундан хорижий инвестициялар 53,9 млрд. сўмни (жамига нисбатан улуши 10,9 фоиз) ташкил этди.


**2019 йил январь - март ойларида асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг ўсиш суръати**




2019 йилнинг январ – март ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан кўпи, яъни 52,1 фоизи вилоятнинг 3 та тумани ҳиссасига, жумладан Урганч шахри 33,5 фоиз, Урганч тумани 9,5 фоиз ва Хонқа тумани 9,1 фоизи тўғри келади.

Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Урганч шаҳри 222,4 фоиз, Гурлан тумани 219,2 фоиз, Кўшкўпир тумани 208,9 фоиз Хива тумани 154,3 ва Хонқа тумани 145,3 фоиз ўсиш кузатилди.

### **Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар**



### **Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар (фоиз)**



2019 йилнинг январь – март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга киритилган инвестициялар хажми бўйича юқори қўрсаткичлар Урганч шахри 1171,2 минг сўм (2,2 марта), Гурлан тумани 175,1 минг сўм (2,2 марта) ва Кўшкўпир тумани 200,2 минг сўм (2,1 марта) қайд қилинди.

**2019 йил январь - март ойларида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар**

	млрд.сўм	ўсии суръати, %	якунга нисбатан фоиз
--	----------	-----------------------	----------------------------

<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>495,7</b>	<b>90,7</b>	<b>100,0</b>
------------------------------------------------------	--------------	-------------	--------------

шу жумладан:

<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>92,0</b>	<b>153,3</b>	<b>18,6</b>
бюджет маблағлари	56,8	2,4 м	11,5
давлат мақсадли фонд маблағлари	4,6	0,0	0,9
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	0,0	0,0	0,0
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	30,6	110,9	6,2
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>403,7</b>	<b>84,1</b>	<b>81,4</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	85,1	82,3	17,2
аҳоли маблағлари	171,7	83,7	34,6
хорижий инвестиция ва кредитлар	23,3	3,6 м	4,7

шундан:


<b>тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар</b>	<b>15,3</b>	<b>5,2 м</b>	<b>3,1</b>
тижорат банк кредитлари ва бошқа карз маблағлари	123,6	74,9	24,9

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби**  
*(2019 йил январь-март)*

	Жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>495,7</b>	<b>105,7</b>	<b>390,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
курилиш-монтаж ишлари	286,8	84,6	202,2
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	131,5	18,8	112,7
Бошқа ҳаражатлар	77,4	2,3	75,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида вилоят бўйича курилиш – монтаж ишларининг улуши 57,9 фоизни, машина, ускуна, инвентарь сотиб олишга ҳаражатлар 26,5 фоизни ҳамда бошқа ҳаражатлар улуши 15,6 фоизни ташкил этди.


**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган  
инвестицияларнинг улушлари**  
*(январь-март ҳолатига)*



Вилоятда асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари 2019 йил январь-март ойларида мос равишда 18,6 фоиз ва 81,4 фоизларни ташкил қилиб, ушбу қўрсаткичларнинг улушлари ўтган йилнинг шу даврида 11,1 фоиз ва 88,9 фоизларни ташкил қилди.

## Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбаалари

(улуши, фоизда)



2018 йилнинг шу даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестициялар улуши 1,1 фоиз пунктга ўсган, мос равища Давлат мақсадли жамғармаси улуши 0,9 фоиз пунктга кўпайган бўлса, Республика бюджети маблагларининг улуши 7,0 фоизли пунктга ошган.

## Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари (улуши, фоизда)



**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари  
бўйича таркиби**

	Жами инвестициялар млрд. сўм	Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (млрд. сўм)						
		Республика бюджети	Давлат мақсадли жамғармалари	Корхона ва аҳоли маблаги	Тизкорат банк кредитлари ва бошқа карз маблаглари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси


Хоразм вилояти	495,7	56,7	4,6	256,9	123,5	54,0	-	-
<b>Шаҳар ва туманлар</b>								
Урганч ш.	166,2	16,1	-	66,9	52,0	31,2	-	-
Хива ш.	9,4	0,8	-	6,4	2,2	-	-	-
Боғот	26,8	1,4	4,6	15,0	5,8	-	-	-
Гурлан	25,4	2,2	-	19,2	4,0	-	-	-
Қўшқўпир	33,8	2,7	-	12,3	6,2	12,6	-	-
Урганч	46,9	7,1	-	19,7	17,3	2,8	-	-
Хазорасп	26,7	9,2	-	13,5	4,0	-	-	-
Хонқа	45,1	3,6	-	22,3	11,8	7,4	-	-
Хива	27,9	4,7	-	17,0	6,2	-	-	-
Шовот	22,8	1,6	-	17,5	3,7	-	-	-
Янгиариқ	34,2	3,0	-	22,8	8,4	-	-	-
Янгибозор	30,5	4,3	-	24,3	1,9	-	-	-

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2019 январь – март ойларида асосий капиталга  
киритилган инвестициялар хажми**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан фоизда</i>
Жами:	<b>495,7</b>	<b>100,0</b>
Кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	90,1	18,2
Тоғ- кон саноати	0	0
Ишлаб чиқариш саноати	66,8	13,5
Электр энергияси, газ ва буғ кондицияланган хаво	4,0	0,8
Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш	8,2	1,7
Қурилиш	25,4	5,1
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалар ва мотоциклларни таъмирлаш	35,7	7,2
Ташиш ва сақлаш	15,7	3,2
Овқатланиш ва яшаш бўйича хизматлар	3,7	0,7
Ахборот ва алоқа	0,3	0,1
Молия ва суғурта фаолияти	4,2	0,8
Профессионал, илмий ва техник фаолият	4,5	0,9
Таълим	28,4	5,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	10,0	2,0
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	1,3	0,3
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой курилишига инвестициялар	135,6	27,3
Бошқа фаолият турлари	61,8	12,5

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 59,1 фоизидан ортиғи қуидаги иқтисодий фаолият турларига йўналтирилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (18,2 фоиз), ишлаб чиқариш саноати (13,5 фоиз) ва жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар (27,4 фоиз).

### **2019 йилнинг январ – март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби**



### **Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар**

2019 йилнинг январ – март ойларида 54,0 млрд.сўм (доллар эквивалентида 6,4 млн.АҚШ долл) ёки ўтган шу даврига нисбатан 157,8 фоиз асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.


Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Урганч шаҳрида (57,8 %), Қўшкўпир туманида (23,3 %), Хонқа туманида 13,7 % кузатилди.

**Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш,  
кредитларни қўшган ҳолда**

	Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм		Хорижий инвестициялар, нисбатан % да	
	жами	ишу жумладан, кредитлар	жамига	асосий капиталга инвестициялар
<b>Хоразм вилояти</b>	<b>54,0</b>	<b>37,2</b>	<b>100,0</b>	<b>10,9</b>
<i>шаҳар ва туманлар:</i>				
Урганч ш.	31,2	30,6	57,8	6,3
Хива ш.	-	-	-	-
Боғот	-	-	-	-
Гурлан	-	-	-	-
Кўшкўпир	12,6	-	23,3	2,5
Урганч	2,8	-	5,2	0,6
Хазорасп	-	-	-	-
Хонқа	7,4	6,5	13,7	1,5
Хива	-	-	-	-
Шовот	-	-	-	-
Янгиариқ	-	-	-	-
Янгибозор	-	-	-	-

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 10,9 фоизни ташкил қилди.

**Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш  
(млрд. сўм)**



Жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларни 56,7 фоизи, яъни 30,6 млрд.сўм (3,7 млн.АҚШ долл) Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар, 43,3 фоизи хорижий инвестициялар 23,3 млрд.сўм (2,8 млн.АҚШ долл), шундан тўғридан-тўғри инвестициялар 15,3 млрд.сўм(1,8 млн.АҚШ долл)ни ташкил қилди.

2019 йил январь-март ойларида умумий майдони 96,5 минг кв.м. бўлган 495 та (2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 81,8 фоиз) шу жумладан қишлоқ жойларида 77,1 минг кв.м.(85,8 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Туар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 83,3 млрд.сўмни ёки жами инвестициялардаги улуши 16,8 фоизни ташкил қилди.

### **2019 йил январь – март ойларида ишга туширилган туар жойлар**

	<i>Барча молиялаштириши ҳисобидан:</i>			
	<i>ишига туширилди</i>		<i>улардан якка тартибдаги туар жойлар</i>	
	<i>минг кв.метр</i>	<i>2018 йил мос даврига нисбатан фоизда</i>	<i>минг кв.метр</i>	<i>2018 йил мос даврига нисбатан фоизда</i>
Хоразм вилояти	96,5	81,8	96,5	81,8
<i>шаҳар ва туманлар</i>				
Урганч ш.	19,2	91,6	19,2	91,6
Хива ш.	0,2	2,8	0,2	2,8
Боғот	5,8	31,7	5,8	31,7
Гурлан	10,6	0,0	10,6	0,0
Кўшкўпир	5,2	183,7	5,2	183,7
Урганч	8,2	175,7	8,2	175,7
Хазорасп	4,0	0,0	4,0	0,0
Хонқа	5,1	38,7	5,1	38,7
Хива	6,1	115,9	6,1	115,9
Шовот	5,5	62,4	5,5	62,4
Янгиарик	12,3	109,6	12,3	109,6
Янгибозор	14,3	55,8	14,3	55,8

**Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш**

	Барча молиялаштириши ҳисобидан:			
	ишига туширилди		2018 йилнинг мос даврига нисбатан фоизда	
	жами	шу жумладан қишлоқ жойларда	жами	шу жумладан қишлоқ жойларда
Турар жойлар умумий майдони минг кв.метр	96,5	77,1	81,8	85,8

улардан:

якка тартибдаги турар жойлар	96,5	77,1	81,8	85,8
------------------------------	------	------	------	------

Намунавий лойихалар асосида қурилган якка тартибдаги турар жойлар

Поликлиникалар (ҚВПларни қўшган ҳолда), қатнов

Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни

Сув тармоғи, км

Газ тармоғи, км

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 2019 йилнинг январь-март ойларида инвестициялар ўзлаштирилмади.


Газ тармоқлари қурилишига 2019 йилнинг январь-март ойларида инвестициялар ўзлаштирилмади.

## Қурилиш ишлари

2019 йил январь-март ойларида 394,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,7 фоизни ташкил этди.

### Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати


2018 йилнинг мос даврига нисбатан фоизда



Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги шаҳар ва туманларда: Гурлан тумани 210,2 фоиз, Кўшкўпир тумани 118,5 фоиз ва Хазорасп тумани 116,5 фоиз ўсиш қузатилди.

Шунингдек 2018 йилнинг шу даврига нисбатан камайиш қузатилган туманлар қуйидагилар: Хива шаҳар 86,9 фоиз, Янгибозор тумани 88,2 фоиз.

**Ахоли жон бошига қурилиш ишлари ҳажми  
(минг сўмда)**




**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби**

	январь–март	
	2018 й.	2019 й.
Қурилиш ишлари, млрд. сўм	327,5	394,9
шу жумладан:		
давлат	12,7	22,2
нодавлат	314,8	372,7

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 372,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,4 фоизни (2018 йил январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 103,8 фоизни) ташкил қилди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми

(млрд.сўм)




Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 13,1 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 5,3 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан, умумий ҳажмдан 79,1 фоизи янги қурилиш ҳажмига тўғри келади.

## V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2019 йилнинг январь-март ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 14094 тани ташкил қилди. Вилоят бўйича кичик тадбиркорлик корхона ва ташкилотларининг сони Урганч шаҳрида 3498 та, Хива шаҳрида 1459 та, Хива туманида 1360 та, Урганч туманида 1606 та, Хонқа туманида 1054 та, Янгиариқ туманида 827 та, Хазорасп туманида 963 та, Гурлан туманида 785 та, Кўшкўпир туманида 808 та, Боғот туманида 631 та, Шовот туманида 627 та ва Янгибозор туманида 476 тани ташкил қилди.


### Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши *2019 йил январь–март ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)*



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 44,1 фоизи), саноат тармоғида (21,8 фоиз), қурилишда (7,7 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (6,4 фоиз) ташкил этилган.

2019 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг кўп кўрсаткич Урганч шахрида 22,9 бирликда, Янгибозор туманида 17,1 бирликда, Янгиариқ туманида 15,3 бирликда, Хива туманида 15,1 бирликда, Хива шахрида 15,6 бирликда, Урганч туманида 13,6 бирликда, Гурлан туманида 11,8 бирликда, Хонқа туманида 10,9 бирликда бўлиб, ўртacha кўрсаткич 9-10 бирлик оралиғида Хазорасп, Бофот, Кўшкўпир, Шовот туманларида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

**2019 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони  
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда).**



**Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони  
(бирлик, фермер ва дөхқон хўжаликларисиз)**

	2019 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган	2019 йил январь-мартида	
		ташкил топди	тугатилди
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>14094</b>	<b>1804</b>	<b>313</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Урганч	3498	347	79
Хива	1459	159	7
<i>туманлар:</i>			
Боғот	631	86	15
Гурлан	785	136	16
Қўшкўпир	808	129	7
Урганч	1606	272	32
Хазорасп	963	182	25
Хонқа	1054	133	8
Хива	1360	115	48
Шовот	627	104	13
Янгиариқ	827	76	49
Янгибозор	476	65	14

2019 йил январь-март ойларида вилоятда рўйхатга олинган янги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони 1804 тани ташкил топган бўлиб, бу кўрсаткич Урганч шаҳрида 347 та, Урганч туманида 172 та, Хива шаҳрида 159 та, Ҳонқа туманида 133 та, Кўшкўпир туманида 129 та, Ҳазорасп туманида 182 та, Хива туманида 115 та, Шовот туманида 104 та, Янгиарик туманида 76 та, Гурлан туманида 136 та, Богоғ туманида 86 та ва Янгибозор туманида 65 тани ташкил қилди.

2019 йил январь-мартда ялпи худудий маҳсулотнинг 64,1 фоизи (2018 йил январь-мартда 67,0 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2019 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 482,6 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 26,4 фоизи) ёки 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 118,8 фоизни ташкил қилди;

- 1552,4 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 103,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизи) ташкил қилди;

- 303,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 61,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 79,5 фоизни ташкил қилди;

- 375,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,1 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан 105,8 фоизни ташкил қилди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 2,1 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 88,1 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 2,4 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,1 фоизи) кўпайиши таъминланди;

-чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 74,5 фоизи ёки 1069,2 млрд. сўми (ўсиш 101,9 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 66,1 фоизи ёки 791,1 млрд. сўми (ўсиш 106,2 фоиз) шакллантирилди;


- 31,9 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 89,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди. 65,4 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 98,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши  
(2019 йилнинг январь-март)**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги	1552,4	99,0
Саноат	482,2	26,4
Қурилиш	375,8	95,1
Чакана савдо	1069,2	74,5
Юк ташиш, млн.тн.	5,0	90,3
Йўловчи ташиш, млн.кииши	82,3	94,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	31,9	89,9
Импорт, млн. АҚШ долл.	64,4	98,9

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши**

(фоизда)



## VI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛарНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ

**Фойда.** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2019 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 21,2 млрд. сўм. миқдорда якуний молиявий натижада олинди.

2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 151,9 % қўпайган.

### 2019 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари<sup>1)</sup>

	Фойда, зарар (-), млрд. сўм	2018 йилнинг январь-февралига нисбатан %да
<b>Жами</b>	<b>21,2</b>	<b>151,9</b>
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлиш	-	-
Ишлаб чиқарадиган саноат	6,4	109,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	0,2	3,8 м
Қурилиш	2,1	2,0 м
Савдо	4,1	102,7
Ташиш ва сақлаш	5,6	7,2 м
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	-	-
Ахборот ва алоқа	0,02	15,4
Молиявий ва сугурта фаолияти	-	-
Кўчмас мулк билан операциялар	1,9	115,7
Профессионал, илмий ва техник фаолият	0,1	91,3
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	-	-
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	-	-
Бошқалар	0,78	126

<sup>1)</sup>Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишилоқ хўжалик корхоналари, фермер ва дехқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микро фирмаларсиз.

**2019 йилнинг январь-февраль ойларида худудлар кесимида  
якуний молиявий натижалари**


	<i>Фойда, зарар (-), млрд.сўм</i>	<i>2018 йилнинг январь-февралига нисбатан % да</i>
<b>Хоразм вилояти</b>	<b>21,2</b>	<b>151,9</b>
Урганч шаҳар	11,5	119,3
Хива шаҳар	0,07	29,9
туманлар		
Боғот	0,2	76,9
Гурлан	0,2	104,6
Кўшқўпир	0,3	83,3
Урганч	5,2	7,2 м
Хазорасп	1,2	94,9
Хонқа	0,06	109,4
Хива	0,06	80,3
Шовот	0,04	18,1
Янгиариқ	0,5	103,5
Янгибозор	1,9	119,3

Туманлар кесимида фойданинг асосий қисми Урганч шаҳри -11,5 млрд. сўм (жами фойданинг 54,2 %), Урганч тумани – 5,2 млрд. сўм (24,5 %), Янгибозор– 1,9 млрд. сўм (8,9%) ва Хазорасп тумани - 1,2 млрд. сўм (5,6%)га тўғри келади.

**2019 йилнинг январь-февралида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

Корхоналар сони	Зарар суммаси	
	млн.сўм	жамига нисбатан % да
<b>Жами</b>	<b>3</b>	<b>1502,7</b>
100,0		
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1	1098,7
		73,1
Ташиб ва сақлаш	1	383,3
		25,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йифиши ва утилизация қилиш	1	20,7
		1,4

**2019 йилнинг январь-февралда иқтисодий фаолият турлари бўйича зарарларнинг тақсимланиши**



**Заарлар.** 2019 йилнинг январь-февраль ойларида 3 та корхона ва ташкилотлар 1502,7 млрд. сўм заарга йўл қўйди.

Заарнинг асосий қисми Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 1098,7 млрд. сўм, Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш 20,7 млд.сўм, Ташиш ва саклаш 383,3 млрд. сўм тўғри келади.

### **2019 йилнинг январь-февралида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн.сўм</i>
<b>Хоразм вилояти</b>	<b>3</b>	<b>100</b>	<b>1502,7</b>
Урганч шахар	3	100	1502,7

2019 йил 1 март ҳолатига зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг барчаси Урганч шахрига тўғри келмоқда.

### **Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарздорлиги ҳолати<sup>1)</sup>**

2019 йил 1 март ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий хажми 485,1 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 7,9 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 1,6 фоизидир.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2018 йилнинг 1 марта нисбатан солиштирганимизда 2,2 марта ошган, жами дебитор қарздорлиқдаги улуши 41,7 фоизга камайган.

<sup>1)</sup>Бюджет ва бошқа нотижкорат ташкилотлар, маҳсулот ишилаб чиқарувчи қишлоқ ҳўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микро фирмаларсиз.

**2019 йил 1 март холатига худудлар кесимида  
яқуний дебитор қарздорлик натижалари**

	<i>Дебитор қарздорлик (-), млрд.сўм</i>	<i>2018 йилсинг январь-февраль ойларига нисбатан % да</i>
<b>Хоразм вилояти</b>	<b>485,1</b>	<b>58,3</b>
Урганч шаҳар	378,8	53,3
Хива шаҳар	1,2	70,1
туманлар		
Боғот	3,9	100
Гурлан	0,8	30,6 м
Кўшқўпир	2,6	57,8
Урганч	60,8	78,6
Хазорасп	1,4	81,8
Хонқа	9,2	46
Хива	2,8	75,9
Шовот	19,6	4,4 м
Янгиариқ	1,3	35,4
Янгибозор	2,5	4,5 м

Туманлар кесимида дебитор қарздорлик асосий қисми Урганч шаҳри -378,8 млрд. сўм (жами дебитор қарздорликнинг 78,1 %), Урганч тумани – 60,8 млрд. сўм (12,5 %) ва Шовот – 19,6 млрд. сўм (4,0%)га тўғри келади.

## **VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТ-ЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

Барчамизга маълумки, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартибини тубдан такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида бевосита мулоқот қилмайдиган шаклларидан фойдаланишни жадал рағбатлантирилмоқда.

Бугунги кунда ушбу борада қонунчиликда муҳим қарорлар қабул қилиниб, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплекси маъқулланиб, ушбу чора-тадбирларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиши автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб хаётга тадбиқ қилинмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жамиятимизда рўй берадиган муҳим ўзгаришлар тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фаолиятларини мустақил бошлишига ва бизнесини ривожлантиришига муҳим пойдевор бўлади.

Бу ўз навбатида, тадбиркорларнинг ва мамлакатимизга кириб келаётган инвестицияларни янада қўпайишига ва айни дамда кўшимча иш ўринларини вужудга келишига, фуқароларнинг турмуш даражасини янада оширишига хизмат қиласди.

### **Изоҳ тариқасида:**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тақдим этилган билдиришиномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.*

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 17313 тага етди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2699 тага ёки 18,5 % ошган ва фаолият кўрсатаётганлари сони эса 16390 тани ташкил қилди, бу эса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2418 тага ёки 17,3 % га ошган.

Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Урганч шаҳрида (24,4 %), Урганч тумани (10,8 %), Хива шаҳри (9,2 %), Хива тумани (9,1 %), ҳиссаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг  
худудлар бўйича тақсимланиши**  
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Хоразм вилояти</b>	<b>17313</b>	<b>100</b>	<b>16390</b>	<b>100</b>
Урганч ш.	4222	24,4	3884	23,7
Хива ш.	1587	9,2	1515	9,2


*туманлар:*

Боғот тумани	861	5,0	819	5,0
Гурлан тумани	1013	5,9	981	6,0
Кўшкўпир тумани	1053	6,1	1012	6,2
Урганч тумани	1869	10,8	1767	10,8
Хазорасп тумани	1284	7,4	1248	7,6
Хонқа тумани	1311	7,6	1288	7,9
Хива тумани	1573	9,1	1475	9,0
Шовот тумани	863	5,0	776	4,7
Янгиариқ тумани	1031	6,0	995	6,1
Янгибозор тумани	646	3,7	630	3,8

**Маълумот тариқасида:**

Охирги 5 йилликка эътибор берадиган бўлсак, вилоятимизда 2014 йилларда давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлар сони 10867 тани (фермер ва дехқон хўжаликларсиз) ташкил этган бўлса, бугунги кун ҳолатига 14094 мингта бўлиб 3227 тага кўпайганини кузатиш мумкин.

## Рўйхатдан ўтган субъектларнинг худудлар бўйича улуши, %



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 25,9 %), саноат (16,6 %), қурилиш (9,8 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,5 %) соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши  
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Жами</b>	<b>17313</b>	<b>100</b>	<b>16390</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан:</i>				
кишлек, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1303	7,5	1220	7,4
саноат	2878	16,6	2738	16,7
қурилиш	1689	9,8	1587	9,7
савдо	4476	25,9	4258	26,0
ташиш ва сақлаш	638	3,7	604	3,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1081	6,2	1002	6,1
ахборот ва алоқа	246	1,4	229	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	354	2,0	343	2,1
бошқа турлари	4648	26,8	4409	26,9

**Маълумот тариқасида:**

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича энг катта улуши савдо соҳасига 4258 та корхона (26,0%) тўзри келади.

**Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуси, фоизда  
(2019 йилниг 1 апрель ҳолатига)**

■ Ахборот ва алоқа

■ Соғликни сақлаш ва  
ижтимоий хизматлар  
кўрсатиш

■ Ташиб ва сақлаш

■ Яшаш ва овқатланиш бўйича  
хизматлар


■ Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги

■ Қурилиш

■ Саноат

■ Савдо


■ Бошка турлар




Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуси 94,6 % ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуси 5,4 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

**Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият  
кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, %  
(2019 йилниг 1 апрель ҳолатига)**

**01.04.2018 й.**



**01.04.2019 й.**




**Фаолият кўрсатаётганлар**      **фаолиятсизлар**

2019 йил 1 апрель ҳолатига 13402 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 4494 та, оиласвий корхоналар – 1663 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 6962 ва 283 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

**Мисол тариқасида:**

*2014-2018 йиллар мобайнида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони (фермер ва дехқон хўжаликларсиз) 10449 дан 13395тага ёки 28,1 % га ошган.*

**Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи  
субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича  
тақсимланиши, бирликда  
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**




Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича асосий қисми масъулияти чекланган жамиятлари хиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткичлар йилдан йилга ўсиб бормоқда ва бу маълумотларни статистик рақамларда кузатиш мумкин.

2019 йилнинг январь-март ойларида жами 1872 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 60,6 % кўпроқ. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Урганч шаҳри (355 та), Урганч тумани (277 та), Хазорасп тумани (196 та), Хива шаҳри (161 та) ҳиссаларига тўғри келади. Энг ками эса Янгибозор (73 та), Янгиариқ (79 та) ва Богоғ (90 та) туманларига тўғри келади.

**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар  
ва ташкилотларнинг сони,**

(бирликда)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 42,5 %, саноатда 21,0 %, яшаш ва овқатланиш ҳизматлари 7,7 %, қурилишда 7,5% ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 6,2 % ни ташкил этади.

**Маълумот тариқасида:**

Вилоятимизда янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлар сони (фермер ва дехқон хўжаликларсиз) 2014 йилда 1201 та, 2015 йилда 1292 та, 2016 йилда 1506 та, 2017 йилда 1695 та ва бугунги кун ҳолатига 1872 тани ташкил қилди.

**Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуси, %  
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**



2019 йил 1 апрель ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 13335 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 19,7 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 3216 таси (жами субъектларнинг 24,1 %) Урганч шаҳрига, 1507 таси (11,3 %) Урганч тумани, 1394 таси (10,4 %) Хива шаҳри ҳамда 1277 таси (9,6 %) Хива туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 466 таси (3,5 %) Янгибозор, 547 таси (4,1 %) Шовот, 596 таси (4,5 %) Боғот, 768 таси (5,8 %) Гурлан туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
худудлар бўйича сони**

	2018 йил 1 апрель ҳолатига		2019 йил 1 апрель ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Хоразм вилояти</b>	<b>11138</b>	<b>100</b>	<b>13335</b>	<b>100</b>

Урганч ш.	2784	25,0	3216	24,1
Хива ш.	1111	10,0	1393	10,4

*туманлар:*

Богот	510	4,6	596	4,5
Гурлан	624	5,6	768	5,8
Қўшқўпир	574	5,2	774	5,8
Урганч	1194	10,7	1507	11,3
Хазорасп	699	6,3	947	7,1
Хонқа	820	7,4	1040	7,8
Хива	1246	11,2	1277	9,6
Шовот	444	4,0	547	4,1
Янгиариқ	751	6,7	804	6,0
Янгибозор	381	3,4	466	3,5

Фаолият кўрсатаётган жами 13335 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 4242 таси (31,8 %) – савдода, 2713 таси (20,3 %) - саноатда, 1576 таси (11,8 %) - қурилишда, 1198 таси (9,0 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 988 таси (7,4 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 598 таси (4,5 % ) - ташиш ва сақлашда, 276 таси (2,1 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 212 таси (1,6 %) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1532 таси (11,5%) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри

келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %  
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

Савдо соҳасида 31,8 %

Саноат соҳасида 20,3 %

Курилиш соҳасида 11,8%

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 9,0 %


Қолган бошқа турларида 27,1 %

Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олингандарнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига Урганч шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 8,1 % ни (282 та) ташкил қилган, Урганч туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 6,2 % ни (99 та) ташкил қилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 268 тага ўсган.

Ҳисобот даврида 313 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 4 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 1,3 %) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.** 2019 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 81 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29 тага ёки 55,8 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 54 таси қўшма корхоналар, 17 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги  
корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва  
хорижий корхоналарнинг сони, бирликда  
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**



Хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг асосий қисми Урганч шаҳар 23 та (28,4 %), Шовот 11 та (13,6 %) ва Урганч 10 та (12,4 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштироқида ташкил этилган корхоналар Хонқа 2 та (2,5 %), Хазорасп 2 та (2,5 %), Янгибозор 3 та (3,7 %) ва Янгиариқ 4 та (4,9 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини жадал ривожлантириш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда рақобатбардошлик муҳитини яратиш мақсадида чет эллик сармоядорларга юртимиз бозорига кириб келишлари ўз фаолиятларини олиб боришлири учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар йилдан йилга сони кенгайиб бораётганлигини статистик рақамларда ўз аксини топган.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши  
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан % да
<b>Хоразм вилояти</b>	<b>71</b>	<b>100</b>
Урганч ш.	23	28,4
Хива ш.	7	8,6
<i>туманлар:</i>		
Богот	6	7,4
Гурлан	4	4,9
Кўшкўпир	5	6,2
Урганч	10	12,4
Хазорасп	2	2,5
Хонқа	2	2,5
Хива	4	4,9
Шовот	11	13,6
Янгиарик	4	4,9
Янгибозор	3	3,7

Фаолият кўрсатаётган 81 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 45 таси (55,6 %) саноат, 12 таси (14,8 %) савдо, 6 таси (7,4 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига, 5 таси (6,2 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 5 таси (6,2 %) курилишда, 4 таси (4,9 %) ташиб ва сақлашда, 1 таси (1,2 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 3 таси (3,7 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши  
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
<b>Жами</b>	<b>81</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан:</i>		
саноат	45	55,6
савдо	12	14,8
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6	7,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5	6,2
курилиш	5	6,2
ташиш ва сақлаш	4	4,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1	1,2
бошқа турлари	3	3,7

2019 йилнинг январь-март ойларида хорижий капитал иштироқидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 13 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 тага кўпайган ёки 13 марта ошган.

Бунда, Туркманистон Республикаси резидентлари капитали иштироқида – 7 та, Россия Федерацияси – 4 та, Америка Кўшма Штатлари -1 та ва Эрон Ислом Республикаси -1 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

13 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг асосий қисми Урганч шаҳри (3 та), Урганч (3 та), Янгибозор (2 та), Гурлан (2 та), Шовот (1 та), Хонқа (1 та) туманлари ва Хива шаҳри (1 та) ҳиссалариги тўғри келади. Хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг умуман ташкил этмаган туманларлар қаторига Боғот, Кўшкўпир, Хазорасп, Янгиариқ ва Хива туманларини киритиш мумкин.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар  
кесимидағи сони ва улуси  
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан % да
--	--------	-------------------------

<b>Хоразм вилояти</b>	<b>23</b>	<b>100</b>
Урганч ш.	3	23,1
Хива ш.	1	7,6


*туманлар:*

Боғот	0	0
Гурлан	2	15,4
Қўшқўпир	0	0
Урганч	3	23,1
Хазорасп	0	0
Хонқа	1	7,7
Хива	0	0
Шовот	1	7,7
Янгиариқ	0	0
Янгибозор	2	15,4

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсақ, асосан саноатда 4 та, савдода 2 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 2 та, қурилишда 2 та, ташиш ва сақлашда 2 та ва яшаш ва

овқатланиш бўйича хизматларда 1 та хорижий капитал иштироқидаги корхоналар янги ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирлиқда  
(2019 йилниң 1 апрель ҳолатига)**




Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмларини кенгайтиришда етарли даражада ишлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли, айrim ҳудудларда хорижий инвеститцияларни жалб қилишда бекарорлик сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2019 йил 1 апрель ҳолатига 1 та хорижий капитал иштироқидаги корхона фаолият кўрсатмаётган корхоналар рўйхатида турибди. Бу Шовот (1 та) туманидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган 327-сонли “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни кучга киргандан бошлаб, Республикаизда оилавий корхоналар фаолиятини ташкил этишда, корхона ҳуқуқини муҳофаза қилишда ва фаолиятини юритишда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Бунинг натижасида, оилавий корхоналар сони кўпайиб мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишида ижобий улушига эга бўлиб бормоқда.



**Оилавий корхоналар.** Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йил 1 апрель ҳолатига 1750 тани ташкил этиб, улардан 1663 таси ёки 95,0 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонига нисбатан ўртacha 79,2 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

**Оилавий корхоналар сониниг ўсиш динамикаси,**  
*Бирликда (2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)*



## VIII. ХИЗМАТЛАР

2019 йил январь-март ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 1197,5 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2018 йил январь-март ойларига нисбатан ўсиш 112,4 фоизни ташкил этди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш

(2019 йилнинг январь-март ойлари учун)


	Млрд. сўм	Ўсии суръати, %	Жамига нисбатан %
<b>Хизматлар – жами</b>	<b>1197,5</b>	<b>112,4</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан, асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	69,7	95,7	5,8
молиявий хизматлар	182,4	153,4	15,2
транспорт хизматлари	306,2	101,0	25,6
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	292,8	100,6	24,5
яшаш ва овқатланиш хизматлари	30,5	112,6	2,5
савдо хизматлари	326,4	109,1	27,3
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	38,4	102,2	3,2
таълим соҳасидаги хизматлар	67,7	154,6	5,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	22,4	110,7	1,9
ижара хизматлари	26,5	101,0	2,2
компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	44,8	107,9	3,7
шахсий хизматлар	39,3	100,2	3,3
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	11,9	103,2	1,0
бошқа хизматлар	31,3	114,1	2,6

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида юқори ҳажм савдо хизматлари (326,4 млрд. сўм), транспорт хизматлари (306,2 млрд. сўм), молиявий хизматлар (182,4 млрд. сўм), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (69,7 млрд. сўм) га тўғри келади.

Энг кичик ҳажм меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (11,9 млрд. сўм), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (22,4 млрд. сўм), ижара хизматлари (26,5 млрд. сўм) га тўғри келади.


Шунингдек, таълим соҳасидаги хизматлар (154,6 %), молиявий хизматлар (153,4%), яшаш ва овқатланиш хизматлари (112,6 %) ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (110,7 %) ўсиш суръатлари юқори бўлди.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби (2019 йил январь-март ойлари учун)**



Хизматлар таркибидаги савдо хизматлари – 27,3 % улуш билан етакчи ўринни эгаллайди. Хозирги вактда савдо соҳаси истеъмолчиларнинг бозор талабини шакллантириш жараёнида фаол иштирокчи хисобланади. Бугунги кунда савдо хизматлари мамлакат иқтисодиётидаги кўрсатилаётган хизматлар умумий ҳажмининг сезиларли қисмини ташкил этади. Республикада замонавий ахбарот технологиялардан фойдаланган ҳолда чакана савдо тармоқлари фаол ривожланмақда.

**2019 йил январь-март ойларида иқтисодий  
фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби**



Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (27,3%), транспорт хизматлари (25,6 %), молиявий хизматлар (15,2 %) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (5,8 %) тўғри келади.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар мөймандлиқ, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,0%), шунингдек соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,9 %) га тўғри келган.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифати ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

2019 йил январь-март ойларида савдо хизматлари ҳажми 326,4 млрд.сўмга teng бўлди. Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 27,3 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан савдо хизматларининг ҳажми 62,3 млрд.сўмга ошди.

### Савдо хизматларининг таркиби (2019 йил январь-март ойлари учун)



**Транспорт хизматларининг таркиби  
(2019 йил январь-март ойлари учун)**



Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.

2019 йил январь-март ойларида вилоят бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 69,7 млрд.сўмга teng бўлди.

**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, %**  
*(2019 йил январь-март ойлари учун)*



Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш (85,9 %) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиљ алоқа хизматлари, Интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.к.) ҳиссасига тўғри келади.

Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, кўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига қўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий банк хизматлари қўрсатиш, жумладан “рақамли” банклар ва чакана хизматлар қўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларини ташкил этиш учун инновацион банк технологияларини жорий қилиш, масофадан туриб банк хизматларини қўрсатиш, тўлов тизимини янада ривожлантириш молиявий хизматларнинг жадал ривожланишига ёрдам беради.

## Молиявий хизматларнинг таркиби, %

(2019 йил январь-март ойлари учун)




Натижада, 2019 йил январь-март ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 182,4 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўсиш 153,4 % ни ташкил этди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши 92,0 % устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 6,8 % ни, ёрдамчи молиявий фаолият 1,2 % ни ташкил этди.

## Таълим соҳасидаги хизматларнинг ҳажми ва ўсиш суръати, % (2019 йил январь-март ойлари учун)

Таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар биринчи навбатда онг ва фикрлашдаги ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб, маънавиятни юксалтиришга ҳисса кўшади.

2019 йилнинг январь-март ойларида юқори ўсиш суръатлари шунингдек таълим соҳасидаги хизматларда – 154,6 % эришилди. Таълим соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 67,7 млрд. сўмга тенг.




Ўтган йилнинг январь-март ойлари билан таққосланганда таълим соҳасидаги хизматларнинг ҳажми 28,4 млрд.сўмга ошди.

#### 2019 йил январь-март ойларида шаҳар ва туманлар кесимида қўрсатилган хизматлар ҳажми.

	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, %	Жамига нисбатан %
<b>Хоразм вилояти</b>	<b>1197,5</b>	<b>112,4</b>	<b>100,0</b>
Урганч шахри	600,3	116,7	50,1
Хива шахри	37,8	112,6	3,2
<i>туманлар:</i>			
Боғот	52,4	106,4	4,4
Гурлан	54,9	105,9	4,6
Қўшкўпир	47,0	100,9	3,9
Урганч	105,6	120,7	8,8
Хазорасп	74,5	105,7	6,2
Хонқа	57,9	109,0	4,8
Хива	38,3	105,0	3,2
Шовот	49,3	106,2	4,1
Янгиарик	41,8	106,8	3,5
Янгибозор	37,5	104,0	3,1


**Вилоят бўйича хизматларнинг умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши  
(2019 йил январь-март ойлари учун)**



Хизматлар соҳасининг ривожланишида энг катта улуш Урганч шаҳри (50,1%), Урганч (8,8%), Хазорасп (6,2%), Хонқа (4,8%) туманларида кузатилмоқда.

Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Янгиарик (3,5 %), Хива шаҳри (3,2 %), Хива (3,2 %), Янгибозор (3,1 %) туманлари эгаллайди.

**Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор  
хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати**  
(2019 йил январь-март ойлари учун)



2019 йил январь-март ойларида вилоят бўйича бозор хизматлари ҳажми аҳоли жон бошига 651,4 минг сўмга teng бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг ўз даврига нисбатан 110,5 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юкори кўрсаткич Урганч шаҳрида (4230,6 минг сўм), Урганч (543,7 минг сўм), Янгибозор (437,6 минг сўм), ва Хива шаҳрида (416,0 минг сўм) туманларига тўғри келади.

Ҳудудлар ўртасида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг паст кўрсаткич Хива (268,4 минг сўм), Кўшкўпир (278,6 минг сўм) ва Шовот (296,1 минг сўм), туманларида кузатилди.

## IX. ТРАНСПОРТ

